

**СЎЗ САНЪАТИ
ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ
4 ЖИЛД, 1 СОН**

**МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ
ИСКУССТВО СЛОВА
ТОМ 4, НОМЕР 1**

**INTERNATIONAL JOURNAL
OF WORD ART
VOLUME 4, ISSUE 1**



Бош муҳаррир:

Холбеков Муҳаммадҷон

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Бош муҳаррир ўринбосари:

Тўхтасинов Илҳом

ф.ф.д., доцент (Ўзбекистон)

Тахрир хайъати:

Назаров Бахтиёр

академик. (Ўзбекистон)

Якуб Умарўғли

ф.ф.д., профессор (Туркия)

Алмаз Улви Биннатова

ф.ф.д., профессор (Озарбайжон)

Боқиева Гуландом

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Миннуллин Ким

ф.ф.д., профессор (Татаристон)

Махмудов Низомиддин

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Керимов Исмаил

ф.ф.д., профессор (Россия)

Жўраев Маматқул

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Куренов Рахыммамед

к.ф.н. (Туркменистон)

Кристофер Жеймс Форд

Мичиган университети (АҚШ)

Умархўжаев Мухтор

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Мирзаев Ибодулло

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Болтабоев Ҳамидулла

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Дўстмухаммедов Хуршид

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Лиходзиевский А.С.

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Сиддикова Ирода

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Шиукашвили Тамар

ф.ф.д. (Грузия)

Юсупов Ойбек

масъул котиб, доцент (Ўзбекистон)

Главный редактор:

Холбеков Муҳаммадҷон

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Заместитель главного редактора:

Тухтасинов Илҳом

к.ф.н., доцент (Ўзбекистон)

Редакционная коллегия:

Назаров Бахтиёр

академик. (Ўзбекистон)

Якуб Умар оғли

д.ф.н., профессор (Туркия)

Алмаз Улви Биннатова

д.ф.н., профессор (Азербайджан)

Бақиева Гуландом

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Миннуллин Ким

д.ф.н., профессор (Татарстан)

Махмудов Низомиддин

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Керимов Исмаил

д.ф.н., профессор (Россия)

Джураев Маматқул

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Куренов Рахыммамед

к.ф.н. (Туркменистон)

Кристофер Джеймс Форд

Университет Мичигана (США)

Умархаджаев Мухтар

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Мирзаев Ибодулло

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Балтабоев Ҳамидулла

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Дўстмухаммедов Хуршид

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Лиходзиевский А.С.

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Сиддикова Ирода

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Шиукашвили Тамар

д.ф.н. (Грузия)

Юсупов Ойбек

отв. секретарь, доцент (Ўзбекистон)

Editor in Chief:

Kholbekov Muhammadjan

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

Deputy Chief Editor

Tuhtasinov Ilhom

Ph.D. Ass. Prof. (Uzbekistan)

Editorial Board:

Bakhtiyor Nazarov

academician. (Uzbekistan)

Yakub Umarogli

Doc. of philol. sci., prof. (Turkey)

Almaz Ulvi Binnatova

Doc. of philol. sci., prof. (Azerbaijan)

Bakieva Gulandom

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

Minnulin Kim

Doc. of philol. sci., prof. (Tatarstan)

Mahmudov Nizomiddin

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

Kerimov Ismail

Doc. of philol. sci., prof. (Russia)

Juraev Mamatkul

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

Kurenov Rakhimmamed

Ph.D. Ass. Prof. (Turkmenistan)

Christopher James Fort

University of Michigan (USA)

Umarkhodjaev Mukhtar

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

Mirzaev Ibodulla

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

Boltaboev Hamidulla

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

Dustmuhammedov Khurshid

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

Lixodzievsky A.S.

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

Siddiqova Iroda

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

Shiukashvili Tamar

Doc. of philol. sci. (Georgia)

Yusupov Oybek

Ass. prof. (Uzbekistan) - Senior Secretary

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

Адабиётшунослик

- 37. Po'latova Sevara Mahmud qizi**
HOZIRGI O'ZBEK ADABIY ME'YORIDAGI LAKUNALAR
(VOBKENT TUMANI MISOLIDA).....6
- 38. Давронова Махфуза Исроиловна**
МАВЗУ ВА МАЗМУНДА МУШТАРАКЛИК.....11
- 39. Давронова Шохсанам Ғайбуллоевна**
АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ АНЪАНАЛАРИ ВА ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ ЎЗБЕК
РОМАНЧИЛИГИ.....18
- 40. Qurbonova Oltinoy Bekmurotovna**
IBROHIM G'AFUROV – SHE'RSHUNOS.....26
- 41. Мусурманов Эркин Раббимович**
O'ZBEKISTON HUDUDIDAN XITOIYGA YOYILGAN
BUDDAVIYLIK G'OYASI VA MIFOLOGIYA.....34
- 42. Рузобаева Нигорахон Рахимовна**
ЭКСТРАЛИНГВИСТИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ АНТИТЕЗЫ В УЗБЕКСКИХ
И АНГЛИЙСКИХ ХУДОЖЕСТВЕННЫХ ТЕКСТАХ.....40
- 43. Тўмарис Бутунбаева**
АЪЗАМ ЎКТАМ ВА МИНҲОЖИДДИН МИРЗО
ШЕЪРИЯТИДАГИ ЎХШАТИШЛАР.....47
- 44. Хажиева Феруза Мэлсовна**
ЖЕЙ ПАРИНИ ИЖОДИДА БИОГРАФИК РОМАН КОНЦЕПЦИЯСИ.....51
- 45. Zoyirova Go'zal Nematovna**
SAMANDAR VOHIDOVNING EPIGRAF QO'LLASH MAHORATI.....60
- 46. Охунова Гўзалхон Ҳамдамбековна**
ҲИКОЯ ЖАНРИ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ.....67
- Тилшунослик**
- 47. Bekmurodova Firuzabonu Normurodovna**
SPECIFIC FEATURES OF CEREMONIES AND THEIR LINGUAPRAGMATIC
MEANING IN UZBEK CULTURE (AS AN EXAMPLE OF WEDDING CEREMONIES).....73
- 48. Каримов Рустам Абдурасулович**
ЎЗБЕК-ИНГЛИЗ ПАРАЛЛЕЛ КОРПУСИ МАТНЛАРИНИ
ЛИНГВИСТИК ТЕГЛАШ МУАММОЛАРИ.....81
- 49. Қурбанов Мухтар Даулетбаевич**
ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ФИТООЙКОНИМЛАРИНИ ЎРГАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ.....87

50. Наргиза Рашидова ЛЕКСИКО-СЕМАНТИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ РЯДА АРАБСКИХ ОДНОКОРЕННЫХ СЛОВ, СВЯЗАННЫХ СО СФЕРОЙ ОБРАЗОВАНИЯ.....	94
51. Рустамов Дилшодбек Абдувахидович НУТҚИЙ ФАОЛИЯТ ТУРЛАРИ.....	104
52. Халилова Рухсора Рауповна ИНТЕРНЕТ МУЛОҚОТЛАРНИНГ ПРАГМАТИК ТАМОЙИЛЛАРИ.....	113
53. Юлдашева Дилором Нигматовна ОСОБЕННОСТИ НЕКОТОРЫХ ПРОФЕССИОНАЛЬНЫХ ФРАЗЕОЛОГИЗМОВ УЗБЕКСКОГО И АНГЛИЙСКОГО ЯЗЫКОВ.....	119
54. Gulchehra Toshpo‘lot qizi Cho‘liyeva OHANG SITUATIV PRAGMATIK TIZIM BIRLIGI SIFATIDA.....	127
55. Mavlonova O‘g‘iloy Hamdamovna КИНОЯНИНГ ОҒЗАКИ, ВАЗИЯТЛИ ВА ДРАМАТИК КЎРИНИШЛАРДА ҚЎЛЛАНИЛИШ АҲАМИЯТИ.....	135
56. Рўзиева Дилфуза Салимбоевна ИНТЕЛЛЕКТУАЛ РОМАН ГЕНЕЗИ СПЕЦИФИК ТАСНИФИ.....	141
57. Бойматова Дилноза Бахтиёровна УНДАЛМАЛИ ГАПЛАРДА ИФОДАЛАНГАН АКСИОЛОГИК МОДАЛЛИКНИНГ ПРАГМАТИК ВА СЕМАНТИК ВАЗИФАСИ.....	147
Таржимашунослик	
58. Кенджаева Гулрух Фаттиллоевна METHODS OF TRANSLATING REALIAS IN THE NOVEL “DAYS GONE BY” BY A.QADIRI.....	153
59. Қўлдошов Ўктамжон Ўрозович ТАРЖИМАДА КОНВЕРСИВЛИК ВА АНТОНИМЛИК МУНОСАБАТИНИНГ БЕРИЛИШИ.....	160
60. Хидирова Гулнора Нарзиевна СИНТАКСИЧЕСКИЕ ТРАНСФОРМАЦИИ В ХУДОЖЕСТВЕННОМ ПЕРЕВОДЕ (НА МАТЕРИАЛЕ РУССКИХ ПЕРЕВОДОВ РОМАНА А.КАДЫРИ).....	167
61. Akhmedova Rano Ashurovna THE FEATURES OF TRANSLATION OF PHRASEOLOGICAL UNITS.....	174
62. Aripova Kamola Yusupovna THE DISTINCTIVE FEATURES OF TRANSLATION OF THR NOVEL “NIGHT AND DAY”.....	179

Лингводидактика

63. Jalilova Guzal G'ulomovna

'FLIPPED CLASSROOM' MODULINING GAPIRISH KOMPETENSIYASINI

RIVOJLANTIRISHDAGI O'RNI: 'KICHIK GURUHLI MUNOZARA' TEXNIKASI.....184

64. Ш.Б.Рахимова

НОФИЛОЛОГИК ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ ТАЛАБАЛАРИНИНГ

ИНГЛИЗ ТИЛИДА ТАЛАФФУЗ МАҲОРАТИНИ КОММУНИКАТИВ

ЁНДАШУВ АСОСИДА ОШИРИШ.....190

Журналистика

65. Садоқат Махсумова


МЕДИА МАКОНДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ФАОЛИЯТИДАГИ

ЎЗГАРИШЛАР.....195

СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

Охунова Гўзалхон Ҳамдамбековна,
Фарғона давлат университети тадқиқотчиси

ҲИКОЯ ЖАНРИ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2021-1-46>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада прозанинг кичик жанри ҳисобланган ҳикоянинг ўзига хос хусусиятлари, унинг жанрий имкониятлари, шаклланиш босқичлари, тараққиёт тамойиллари таҳлил этилган.

Унда ўзбек ҳикоянавислиги билан бир қаторда инглиз, рус, турк, форс ҳикоячилигининг тарихий босқичлари ҳам турли илмий манбаларга таянган ҳолда қисман ўрганилган ва умумий хулосалар берилган. Мазкур жанрнинг илмий-назарий моҳиятини ёритишда адабиётшунос олимларнинг илмий қарашлари адабий-бадий талқин қилинган.

Миллий ҳикоячилик ривожининг ҳозирги ҳолати, янгиланиш жараёнлари, бадий тамойиллари, ўзбек ҳикоянавислигининг новатор ёзувчилари асарлари асосида тадқиқ этилган.

Ўзбек ҳикоячилигини шакл ва мазмун, услуб нуқтаи назаридан ривожланишининг асосий тамойиллари белгиланган.

Таянч сўзлар: тарихий ва назарий поэтика, адабий-тарихий жараён, дунё новеллистикаси, прозаик ифода, метафорик шакл, истиоравий ҳикоя, типологик, полифоник тасвир, ассоциатив фикрлаш, мистик ҳикоя.

Охунова Гузалхон Ҳамдамбековна,
Исследователь Ферганского государственного университета

ОСОБЕННОСТИ РАЗВИТИЯ ЖАНР РАССКАЗА

АННОТАЦИЯ

В статье анализируются особенности рассказа, возможности жанра, этапы становления, принципы развития, представляющего собой малый жанр прозы.

Наряду с узбекским рассказыванием были частично изучены исторические этапы рассказывания на английском, русском, турецком и персидском языках и сделаны общие выводы на основе различных научных источников.

Освещая научную и теоретическую сущность этого жанра, научные взгляды литературоведов интерпретируются литературно-художественным образом.

Изучаются современное состояние развития отечественного рассказывания, процессы обновления, художественные принципы творчества новаторов узбекского рассказывания.

Выявлены основные принципы развития узбекского рассказывания по форме и стилю содержания.

Ключевые слово: историко-теоретическая поэтика, литературно-исторический процесс, метафорическая форма, прозаического выражения, метафорический рассказ, типологический, полифонический образ, ассоциативное мышление, мистический рассказ.

Ohunova Go'zalxon Hamdambekovna,
A researcher of the Fergana State University

PECULIARITIES OF THE DEVELOPMENT OF THE STORY GENRE

ANNOTATION

This article analyzes the peculiarities of the story, which is the small genre of prose, the possibilities of the genre, the stages of formation, the principles of development.

In addition to Uzbek storytelling, the historical stages of English, Russian, Turkish and Persian stories have been partially studied and general conclusions have been drawn based on various scientific sources. Literary-artistic interpretation of the scientific views of literary scholars in the coverage of the scientific-theoretical essence of this genre.

It is researched the current state of development of national storytelling, the artistic principles of the renewal process based on the works of innovative writers of Uzbek storytelling.

It is defined that the basic principles of development of Uzbek storytelling in terms of form and content, style.

Key words: historical and theoretical poetics, literary-historical process, prosaic expression, metaphorical form, allegorical story, typological, polyphonic images, associative thinking, mystical story.

Дунё адабиёти тарихидан маълумки, ҳикоя прозанинг кенг тарқалган ва тараққий этган жанрларидан бири ҳисобланади. У ҳажман ихчам ва ҳамиша “ҳозиржавоб” жанр бўлгани учун ҳам эпик турдаги роман, кассага нисбатан кўпроқ ёзилади. Эпик турнинг энг кичик жанри бўлган ҳикоя бадий тафаккур ибтидосидан бери талай шаклий-мазмуний ўзгаришларга учраганига қарамасдан, ўзининг асл қиёфасини, жозибаси ва фаоллигини йўқотмай келаётган бадий ҳодисалар сирасига киради. У адабиётнинг барча жанрларига хос хусусиятларни синкретик ифода этган кўламдор жанр ҳисобланади. “Биобарин ҳар бир миллий адабиётнинг ўзига хос кундалик нафаси, қадам олиши, мавқеи ҳикояда кўпроқ намоён бўлади”. [1]

Ҳикоя жанри тарихий ва назарий поэтикага доир тадқиқотларда, монография, терминологик луғатлар, дарслик ва ўқув қўлланмаларда турли ракурсларда ўрганилиб, илмий-адабий жиҳатдан талқин этиб келинмоқда.

Даставвал ҳикоя ҳақидаги мулоҳазаларимизни ушбу манбаларда мазкур жанрга берилган таърифлар мисолида изоҳлаб чиқамиз.

“Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати”да ҳикоя жанри хусусида шундай ёзилади: “Ҳикоя эпик турга мансуб кичик ҳажмли жанр бўлиб, у ўзига хос имконият ва ҳаётий қамровга эга. Ҳикояда тасвирланган воқеа ўз моҳияти ва аҳамияти жиҳатидан эпик турнинг роман, повест каби жанрларидан фарқланмаса ҳам, бироқ тасвирнинг кўлами, сюжет ва композициянинг нисбатан соддалиги, баённинг асосан бир шахс томонидан олиб борилиши жиҳатидан фарқланиб туради. Ҳикоя шаклий жиҳатдан прозаик ифодага эга бўлса-да, айрим ҳолларда у шеърий шаклда ҳам яратилади”. [2] Дарҳақиқат, ҳикоя гарчи ҳажман қисқа бўлса-да, унда бутун бир давр муаммоларини ёритиш мумкин. Шунинг учун унинг аҳамияти роман ва қиссалардан кам эмас. Хуршид Дўстмуҳаммад айтганидек, “Театрнинг мўжаз саҳнаси ёхуд газета-журналнинг кичкина саҳифаси бутун дунёни ўзида жо этиш имконига эга бўлганидек, ҳикояда ҳам исталган мавзунини исталган қамровда, исталган мураккабликда тасвирлаш мумкин. Фақат у муаллифнинг маҳоратига боғлиқ, яъни у ҳар бир ҳикоянинг ўз макони, ўз замони, ўз бадий

реаллигини ярата билиши, мазкур реалликка мос тасвир услуби, тили, оҳанги, ўзига хос образлар силсиласини топиши керак”.

Адабиётшунос олим Э.Худойбердиев томонидан тузилган “Адабиётшуносликка кириш” китобида ҳикоя жанри қуйидагича изоҳланган: “Ҳикоя кўпинча муайян ижтимоий шароит учун хос бўлган битта, баъзан бир нечта кичик воқеани акс эттирувчи, характерни кўпинча тайёр ҳолда кўрсатувчи жанр ҳисобланади. Шунга кўра ҳикоя ҳажми чоғроқ ва иштирок этувчи шахслари камроқ бўлади.[3] Таъкидланганидек, ҳикояда сўз юритилаётган воқеагача персонажлар нима билан машғул бўлганлиги, қандай ишларни бажарганлиги ва тасвир этилаётган пайтдан кейин нималар бўлиши каби икир-чикирлар ёритилмайди. Бу жиҳатлар асар мазмунидагина бўй кўрсатиши мумкин. Шунингдек, ҳикоя ўз табиатига кўра, характерларни энг майда деталларигача тасвирлашни талаб этмайди. Характернинг шаклланиши ҳам роман ва қиссадагидек батафсил кўрсатилмайди. Аксинча, унда шаклланган характер ва типларнинг маълум бир моментигина ёритилади.

Лекин “ҳар қандай воқеа ҳам ҳикоябоп бўлавермайди. Ҳикоя асосида ётган воқеанинг яхлит, тугал бўлиши талаб этилади, бунинг учун у ўзининг бошланиши ва якунига эга бўлиши (масал, латифададаги каби) лозим. Яхлит воқеани тасвирлаш асносида ҳикоянавис ё шу воқеанинг, ё унинг воситасида характернинг моҳиятини очиб беради”.[4] Кўриниб турибдики, ҳикоячилик воқеликнинг турли қирраларини, энг муҳим томонларини тез, ҳозиржавоблик билан драматик ҳолатларда, теран психологизм асосида ёритишни тақозо қилади. “Энг муҳими, ҳикоя адабий-тарихий жараёнга доир уч замон хусусиятини мужассам эта оладиган ўзига хос бадий жанр ҳисобланади”.[5]

Жаҳон адабиёти тарихида ҳам ҳикоя жанри – “дунё новеллистикаси” ўзига хос тараққиёт йўлини босиб ўтган. Хусусан, “The concise Oxford dictionary of Literary Terms” адабий терминлар луғатининг аниқлашича, “Кичик ҳикоя бу новеллага ўхшаш, узун ҳажмга эга бўлмаган адабий насрий асардир. У бир нечта қаҳрамон иштирокидаги ягона воқеага асосланади ҳамда ижтимоий манбага таянади. Маълумки, қадимда ҳикояга ўхшаш қадимий адабий жанрлар мавжуд бўлган. Эртақ, афсона, диний ўғитлар (parables) шулар жумласидандир”.[6]

Норвегиялик адабиётшунос Хуан Рулфонинг фикрича, “Ҳикоя романдан ҳам қийин ва масъулиятли жанрдир. Чунки ҳикояда жуда катта воқеаларни лўнда тарзда баён этиш, ўзингни чегаралаб қисқаликка интилиш керак бўлади. Бошқалар 200 саҳифада айтмоқчи бўлганини ҳикоячи 5-6, нари борса, 10 саҳифага сиғдириши зарур. Бунинг учун ёзувчидан жуда катта маҳорат талаб қилинади”.

Инглиз олими Чарлес Мей ҳикояга “эски роман жанрининг метафорик шакли” деб таъриф беради. Ва жанрнинг илк илдизларини Ренессанс даврига бориб тақалишини, XX асрга келибгина ҳикоя тўлиқ жанр сифатида шаклланганини таъкидлайди. Унинг фикрича, “Библия” ҳамда “Қуръон” китобларида ҳам ҳикоянинг учқунларини кўришимиз мумкин. XIV асрда яшаб ижод этган италян ёзувчиси Бокаччо эса ҳикоянинг биринчи муаллифи сифатида кўрсатилган.[7] Бошқа манбаларда ҳам Бокаччо Европа ҳикоячилиги ривожига катта ҳисса қўшгани эътироф этилади. Унинг машҳур “Декамерон” асаридан ўрин олган 100 та ҳикоя фикримиз исботидир.

Рус адабиётида эса ҳикоя XIX асрга қадар новелла деб номланган. У қисқа қиссанинг бир тури ҳисобланган. Рус олими В.Г.Белинский назарияга асосан, биринчилардан бўлиб, ҳикояни прозанинг кичик жанри сифатида роман ва қиссадан фарқлайди.

Турк адабиётида ҳам ҳикоянинг юзага келиши халқ ижодиётининг теран илдизларига бориб тақалади. Турк фольклорида мавжуд миф, афсона, эртақ, таҳкие, халқ ҳикоялари ва ҳикоятлари замонавий ҳикоянинг пайдо бўлиши учун асос вазифасини бажарган. Халқ дostonлари, хусусан, “Китоби Дада Кўрқут” ҳикояларининг ҳам турк реалистик ҳикоячилигидаги илк шаклланиш жараёни учун аҳамияти чексиз. XIX аср охирларига келиб, жаҳон ҳикоячилиги, хусусан, француз ҳикоячилигидаги ҳикоя жанрига хос хусусиятларни турк ҳикояси билан синтезлаш асосида мазкур жанр янги бадий тамойиллар билан бойида.[8]

Эронда эса ҳикоянавислик юз йиллик тарихга эга бўлган тараққиёт йўлини босиб ўтди. IX-X асрлардан бизгача (қисман) етиб келган энг қадимий насрий асар Абу Мансур ал-Муаммарийнинг “Шоҳномаси”, шарқ оламида ўша даврда ҳам, ҳозирда ҳам шуҳрат қозонган насрий асарлардан Фахриддин Гургонийнинг “Вис ва Ромин”, Низомийнинг “Панж-Ганж”, Саъдийнинг “Тулистон” ва “Бўстон” асарлари, Низомул Мулкнинг мамлакатни бошқариш илмини ўз ичига олган “Сиёсатнома” асари, тарихий воеалар содда ҳикоя қилинган “Тарихи Байҳақий” асарлари ўзида бадиий унсурларни мужассамлаштириб, Эрон ҳикоянавислиги тарихи негизининг бир қисмини ташкил қилади. Эронда замонавий ҳикоя жанрининг асосчиси Муҳаммадали Жамолзода ҳисобланади.

Ҳозирда форс адабиётида янги типдаги ҳикоя жанри халқ оғзаки ижоди, қадимги ва мумтоз форс адабий мероси, Европа ва адабиёти ривожланган бошқа минтақалар ютуқларини уйғунлаштирган ҳолда шаклланиб бормоқда.[9]

Ўзбек адабиётида эса илк ҳикоя намуналари қадимги ёзма адабий ёдгорликларимизда учрайди. Хусусан, “Тўнюк” ҳамда “Култегин” битиктошларида баён қилинган воқеалар иштирок этувчилар томонидан ҳикоя қилинган.

Ўзбек мумтоз адабиётида “ҳикоя” ва “ҳикоят” деб аталган асарлар анча кўп бўлган. Улар ҳам насрда, ҳам назмда ёзилиб, кўпинча йирик асарлар ичида йўл-йўлакай бериб ўтилган.

Носириддин Рабғузийнинг “Қиссаси Рабғузий” асарида ахлоқий характердаги ҳикояларнинг яхши намуналари бор. Мазкур жанрни Алишер Навоийнинг “Ҳамса”сида ҳам учратиш мумкин.

Хожанинг XVI асрда яратилган “Мифтоҳ ул-адл” ва “Гулзор” асарлари эса асосан, насрда ёзилган ҳикоялардан иборат. Улар ўз ичига кичик-кичик, қизиқ-қизиқ воқеаларни қамраб олган бўлиб, дидактик тарздаги асарлардир.

Сўфи Оллоёрнинг “Сабот ул-ожизин”, Машрабнинг “Мабдаи нур” асарларида эса юздан ортиқ шеърӣ ҳикоятлар учрайди.

Ўзбек адабиётида реалистик ҳикоя жанри XX асрнинг бошларида шаклланди. Мазкур жараён А.Қодирӣ ижоди билан бошланади. Унинг “Улоқда” номли асари ҳикоянинг дастлабки намуналаридан ҳисобланади. Ундан кейин ўзбек ҳикоянавислиги катта ривожланиш йўлини босиб ўтди. Унинг тараққиётига Абдулла Қаҳҳор, Ғафур Ғулом, Саид Аҳмад, Ўткир Ҳошимов ва Шукур Холмирзаев сингари ёзувчилар салмоқли ҳисса қўшдилар. Улар ҳикоя тилининг гўзаллиги, латофати ва соддалиги билан ўз китобхонларини топди. Ҳикоялари орқали ўқувчини руҳан қаҳрамонга яқинлаштира олди.

Кузатишларимизга кўра, инглиз, рус, турк, форс ва ўзбек ҳикоячилиги миф ва дин мотивлари таъсирида аввалига фолклор, кейинроқ эса ёзма адабиёт жанри сифатида шаклланиб боради. Кейинчалик жаҳон насри анъаналарини ўзлаштириш, адабий таъсир натижасида ҳикоячилик поэтик тамойиллар билан бойиб, ривожланиб борган.

Терминологик луғатлар, ўқув қўлланмалардаги изоҳлар, адабиётшунос олимларнинг фикрларидан ойдинлашганидек, ҳикоя юксак санъат намуналари яратишга, даврнинг катта гапларини айтишга имкон берадиган мукамал абадий шакл. Майдони тор бўлса-да, имконияти чексиз.[10] Унга юқори даражадаги бадиий “тежамкорлик” хос бўлиб, узундан-узқ тафсилотлар баёни, турли-туман чекинишлар, қистирма лавҳалар берилиши мақсадга мувофиқ бўлмайди. Шу боис ҳикояда, айниқса, пейзаж, портрет, интерьер ва экстерьер тасвири тафсилотларидан кўра, рамзий-мажозий деталларга кўпроқ эътибор қаратилади. Рамзий детал юқори даражада ифодавийлик касб этади ва одатда ўқирманнинг хаёлот оламини кўзгаб, уни тафсилдаги рамзий маънони англашга, яъни ижодий шерикликка ундайди. Ҳар қандай кичик эпик жанрдаги асар сингари ҳикояда ҳам унинг тугалланиши жуда муҳим. Ҳикоялар одатда ё сюжет тугунининг ечими ёхуд қутилмаган ҳиссий яқун билан тугалланади.

Бизнинг назаримизда, миллий ҳикоячилик ривожининг ҳозирги босқичида конфликтнинг ечими эмас, балки унинг ечимсизлиги акс этган тугалланишларга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Уларнинг мавзу-мундарижаси, умуминсоний қамров кўлами, бадийлиги – структураси, образлари ва услуби аввалгилардан сезиларли даражада фарқ қилади. Уларда халқ ҳикоячилиги тажрибаларини ҳам, мумтоз адабиёт анъаналарини ҳам, жаҳон прозаси унсурларини ҳам кузатиш мумкин. Албатта, жаҳон адабиёти тажрибаларини ўрганиб бориш ва олган билимлари асосида янги анъаналарни яратиш ҳар бир миллат адабиётининг муҳим фазилатларидан бири ҳисобланади. Хусусан, ўзбек адабиётининг ҳам. Замоनावий прозага чин маънода янгилик олиб кирган ёзувчилар: Эркин Аъзам, Хуршид Дўстмуҳаммад, Назар Эшонкул, Лукмон Бўрихон, Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхон, Улуғбек Ҳамдам, Исажон Султон, Абдуқаюм Йўлдош ҳикояларида воқеабандликдан кўра руҳиятга, сезгига урғу бериш тамойили етакчилик қилмоқда. “Чунки ҳаётда рўй берган деярли ҳамма ҳодисаларнинг фақат сирти идрок этилади холос. Моҳият, ички жиҳат, сабаб-оқибат боғланишлари, кўнгил, туйғулар силсиласи ҳаёт ҳодисаларининг ичида пинҳон бўлиб қолаверади. Ҳаёт учун натижа муҳим. Адабиёт учун эса – жараён. Шу маънода, адабиётнинг адабиётлиги ҳам ҳаётга ўхшамаслигида, унга қараганда кўламлироқ, чуқурроқ эканлигидадир. Шунинг учун ҳам ҳаётдагига ўхшамаган тасвирлар миллий ҳикоячилигимизда кенг ёйилиб бормоқда”.[11]

Адабиётшунос олим Узоқ Жўрақулнинг таъкидлашича, бугунги кунда ҳикоя жанридаги муҳим янгиликни истиоравийликда кўриш мумкин. Бунда воқелик ёзувчи томонидан ўзининг макон-замон доирасидаги реал вазифасидан ажратиб олиниб, истиора шакли ўлароқ қайта моделлаштирилади. Натижада кичик бир ҳикоя улкан маънавий аҳамият, салмоқдор умуминсоний мазмунни ифодалай олади.[12]

Истиоравийликнинг ҳам икки шаклини учратишимиз мумкин:

1. Ҳикоя истиоралар.
2. Истиоравий ҳикоялар.

Ҳикоя истиораларда кичик эпик жанр “бошдан-оёқ” бутунча истиорага қурилган бўлади. Бундай ҳикояларда ёзувчи томонидан танланган бирор мавзу ҳамда воқеа бир бутун истиора тизимига айлантирилади. Сюжет ва образ умумлашма (типологик) моҳият касб этади. Ҳикоя тили рамзлар силсиласига қурилади. Асар композицияси ўрнини истиора қолипи (метафорик модел) эгаллайди. Натижада ҳикоянинг макон-замон қамрови улканлашади. Маъно кўлами универсаллик касб этади.

Айни тур ҳикояларнинг иккинчи кўринишида ҳикоялар тўлиғича истиорага қурилмайди, балки улардаги бирор мотив, образ ёки детал истиоравий функция бажаради.[13]

Хулоса қилиб айтганда, ҳикоя жанрига хос поэтик канонлар мукамал даражада ишлаб чиқилган. Шунга қарамасдан, назарий адабиётшунослик, ҳеч қачон, бу жанр хусусида сўнги хулосани айта олмайди. Бу эса ҳикоянинг доимий ҳаракатдаги мураккаб эстетик ҳодиса эканидан далолат беради. Чунки ҳикоя наинки давр, ижтимоий муҳит, миллат, адабий доира, муаллифларнинг алмашинуви билан, балки муайян иждоқорда ёш, руҳият, кайфиятнинг ўзгариши билан ҳам тамомила бошқача шаклий-мазмуний моҳият касб этиши мумкин.[14]

Бугунги замоनावий адабиётда ҳам насрий жанрлардаги янгилашув ҳикоялардан бошланмоқда. Бунга унинг жанрий имкониятлари йўл очиб бераётир. Мавзулар ранг-баранглиги, адабий аҳоли тоифасининг янгилиги, характерлар хилма-хиллиги, бадийлик мезонлари ва муаммо ечимидagi ўзига хослик масалаларини ўзбек ҳикоячилиги тараққиётининг асосий хусусиятларидан десак бўлади.

Таҳлилларимиз орқали ўзбек адабиётида ҳикоя жанрининг бадий такомилга хос куйидаги тамойиллар аниқланди:

- Рамз, тимсол, мажоз бадий тафаккурнинг бир бўлаги сифатида ҳикояларга кириб келиши;
- Ноанъанавий сюжет, ноанъанавий образ, ноанъанавий услуб, янгилаётган тилнинг ҳикояларда акс эттирилиши;
- Полифоник тасвир усуллари бадий тафаккурнинг янги кўриниши сифатида ҳикоячиликда алоҳида тенденцияга айланиши;

- Дунёни метафорик идрок этиш мақсадида ассоциатив фикрлашнинг шаклланганлиги;
- Ҳозирги ўзбек ҳикоячилигида анъанавий реалистик тасвир

йўналиши билан бирга, рамзий, мажозий, мистик, модернистик, постмодернистик йўналишларнинг ҳам синтез ҳолда намоён бўлиши.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Х. Дўстмуҳаммад. Ҳикояларда ҳаёт ва ҳаёл ҳақиқати. Шарқ юлдузи, 2011. № 1.
2. И.Хотамов. ва бошқалар. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1979. – Б.251.
3. Э.Худойбердиев. Адабиётшуносликка кириш. – Тошкент: Шарқ, 2008. – Б.245.
4. Д.Қуронов ва бошқалар. Адабиётшунослик луғати. – Тошкент: Академнашр, 2010. – Б.393.
5. Жўрақулов У. Хос калом хосияти. Шарқ юлдузи, 2013. № 3.
6. The concise Oxford dictionary of Literary Terms. – Chris Baldick: Oxford university PRESS, 2001. – P.291.
7. May, Charles. The Short Story: The Reality of Artifice , New York and London: Routledge, 2002. – P.45.
8. П. Кенжаева. XX аср турк ҳикоячилигининг тараққиёт тамойиллари. [http//kk.news.uz](http://kk.news.uz).
9. О.Турдиева. Замонавий Эрон насрининг модернистик тамойиллари. Шарқ юлдузи, 2015. № 1.
10. Норматов У. Нафосат гурунглари. – Тошкент: Мухаррир, 2010. – Б.348.
11. Йўлдошев Қ. Ёниқ сўз. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2006. – Б.110.
12. Жўрақулов У. Назарий поэтика масалалари. – Тошкент: Фафур Фулом, 2015. – Б.241.
13. Жўрақулов У. Хос калом хосияти. Шарқ юлдузи, 2013. № 3.
14. Жўрақулов У. Назарий поэтика масалалари. – Тошкент: Фафур Фулом, 2015. – Б.319.

СЎЗ САНЪАТИ
ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ
4 ЖИЛД, 1 СОН

МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ
ИСКУССТВО СЛОВА
ТОМ 4, НОМЕР 1

INTERNATIONAL JOURNAL
OF WORD ART
VOLUME 4, ISSUE 1